

ФИТРАТНИНГ НАВОИЙ ИЖОДИГА МУНОСАБАТИ

Ё.Саидов, Бухоро давлат университети доценти;

Д.Зарипова, БухДУ ҳузуридаги 4-академлицей ўқитувчиси.

Абдурауф Фитратнинг илмий меросида Навоий ижодига доир кўплаб муҳим маълумотлар мавжуд. Чунончи, олимнинг «XVI чи асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш» (4), «Шеър ва шоирлик» (3), «Адабиёт қоидалари» (2), «Тилимиз» каби мақола-қўлланмаларида Алишер Навоий ижодий мероси таҳлил этилган, у ёки бу тарзда унинг ижодига муносабат билдирилган. Аёнки, Фитратнинг «XVI чи асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш» мақоласи 1929 йилда “Аланга” журналида чоп этилган. Олим мазкур мақоласида XVI асрдан то миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг илк босқичи (XIX аср охири)га қадар яшаб ижод этган адиблар, улар томонидан яратилган адабий-бадиий асарларнинг номларини қайд этиш билан чекланмасдан, айрим асарларнинг ғоявий йўналиши, бадиий хусусияти, услуби ва тилини ҳам талқин этади. Мақолада ўзбек адабиёти илк марта “чиғатой даври адабиёти”, хусусан, Алишер Навоий ижоди билан ҳар томонлама чоғиштирилган, улар орасидаги фарқлар мисоллар асосида исботланган. Мақола тил ва адабиётимиз тарихини ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқот ишларидан бири сифатида қадрлидир.

Фитратнинг «Тилимиз» мақоласи эса «Иштирокиюн» газетасида 1919 йил 12 июнь (132- сон) да босилиб чиққан. Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ўзбек тилини форс-тожик тили билан чоғиштириб, унинг форс тилидан қолишмаслигини кўрсатган бўлса, Фитрат эса мазкур мақоласида ўзбек тилини араб тили билан чоғиштириб, унинг араб тилидан сўз бойлиги жиҳатидан устун эканлигини мисоллар асосида далиллашга ҳаракат қилган. Фитрат мақоласида «дунёнинг энг буюк ҳакими ибн Сино », «иккинчи Арасту аталган Форобий», «фалсафа имоми Румий», «араб тилини мангулик тирғизиб келган Жавҳарий», «форсий адабиётнинг пайғамбари Низомий»лар турк бўла туриб, ўз асарларини араб, форс тилларида ёзганларидан чуқур қайғуради. Агар улар илмий ва адабий асарларини

Алишер Навоий каби ўз она тилларида ёзганларида, «турк улусининг ҳоли» анча яхшиланган бўлар эди, деб таъкидлайди.

Фитрат “Шеър ва шоирлик” мақоласида (1919 йилда “Чигатой гурунги” дастури йўналишида ёзилган) аруз вазни хусусида фикр билдирар экан, Алишер Навоийнинг назмий асарларини ҳам қисман таҳлил этишга ҳаракат қилади. Аруз вазни, Фитрат фикрича, ўзбек адабиёти ва тили ривожига салбий таъсир кўрсатган. Унинг қатъий таъкидига кўра, назарда тутилган вазн туфайли ўзбек адабий тили билан халқ жонли сўзлашув тили ўртасида катта фарқ юзага келган, образли тарзда айтганда, улкан жарлик ҳосил бўлган. Фитратнинг фикрича, Навоий ўзбек мумтоз адабиёти тарихида арузда туркий сўзлардан ўринли фойдаланган, уларнинг шаклини бузмасдан гўзал асарлар яратган ягона шоирдир. Адиб Навоийнинг буюк хизматларини эътироф этиш баробарида унинг мазкур масаладаги айрим камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтади. У ёзади: “Навоийнинг шеърларида гавдаси бузилган сўз оз кўринадир. Демак, Навоий ҳазратлари бу ишнинг совуқлиғини онгламиш, бироқ ўзини бутун кутқара олмашидир” (3, 10-б.). Навоийнинг камчилигини унинг бир байти мисолида кўрсатиб беради. Аруз илмини ҳар томонлама чуқур, изчил ўрганган Фитратнинг илмий-назарий қараш ва ҳулосалари, бизнингча, тўла асосли, мантиқлидир.

Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» қўлланмаси 1926 йилда ёзилган бўлиб, унда Алишер Навоий ижодий мероси айрим масалалар таҳлили жараёнида ёритилган. Фитрат ҳар бир шоир ўз услубига эга эканлигини таъкидлар экан, Навоийнинг ҳам ўзига хос услуби борлигини, унинг «шеърда форс услубига берилиб қолган»лигини айтади (қар. 2, 18-б.). У услубда аниқлик бўлиши хусусида фикр билдириб, Навоийнинг бир мактубидан парча келтиради: *«Дуойиким, шито қалбида шито қалбидин дилсўзроқ, ва ниёзийким қиш айнида қиш айнидин дилпузроқ бўлгай»* (2,48-б.). Фитрат мазкур жумлада аниқлик, очиклик йўқлигини қуйидагича изоҳлайди: «Парчада биринчи *шито қалби* «қиш ўртаси» демакдир. Иккинчи *шито қалби* эса «шито» сўзининг тескарисси бўлган «оташ» демакдир. Биринчи *қиш*

айни «қишнинг юзи», иккинчи қиш айна «қуёш» демакдир. Демак, бу парчада софлик бўлмагани каби очиклик-да йўқдир» (2, 48-49-б.). Фитратнинг Навоий ижодига танқидий муносабати унинг бошқа масалалар таҳлилида ҳам ўз ифодасини топган. Чунончи, у Навоий кўплаб бетакрор ўхшатишлар яратганлигини алоҳида таъкидлаб, айрим мантиқсиз, «кўнгул айнитғучи» ўхшатишлар ҳам қилганлигини айтиб ўтади ва фикрининг далили учун куйидаги байтни мисол тарзида келтиради:

Эрмас учуқ, шакарга ёпишмас чибин бири,

Ики лабим била они олсам дудогингдан (2, 52-б.).

Байт мазмунидан англашиладики, маҳбубанинг шакардек дудогига ёпишган «чибин»ни лирик қахрамон лаблари билан олиш истагида. Кўриниб турибдики, шеърдаги мазкур ташбиҳ ўринсиз ва ҳеч қандай бадиий-эстетик қиймат касб этмайди. Фитрат алоҳида қайд этадики, бу каби жуъзий камчиликлар Навоийнинг буюклик даражасини заррача ҳам пастга туширмайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Фитрат Навоийнинг илмий-бадиий меросини ҳар томонлама чуқур ва холисона тадқиқ этган, унинг ўзбек адабиёти ривожига тутган ўрнини тўғри белгилаган ва унга «энг буюк санъаткор шоир» сифатида аниқ баҳо берган. Олимнинг шоир асарлари бўйича билдирган асосли фикрлари фанимиз учун ҳамиша аҳамиятли бўлиб қолади.

Адабиётлар

1. Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн // Танланган асарлар (Порсо Шамсиев нашрга тайёрлаган). 3-том. -Тошкент: ЎзФА, 1948. -Б. 171-213.
2. Фитрат. Адабиёт қоидалари // Танланган асарлар. IV жилд. -Тошкент: Маънавият, 2006. -Б.11-88.
3. Фитрат. Шеър ва шоирлик // Танланган асарлар. IV жилд. - Тошкент:Маънавият, 2006. -Б. 5-11.
4. Фитрат. XVI чи асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш // Навқирон Бухоро.1992.